

**СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТУГРИСИДА
ШАРТНОМА № 25**

“ 5 ” январь 2022 йил

Бухоро шаҳар

Бухоросантехсервис ЧП (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Узининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Р.Хасанов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва “Проксодантехсервис” МЧМ (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги уринларда “Истеъмолчи” деб юритилади, узининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошкарма бошлиги Рахмоновчи (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га суюлтирилган газ ёкилгиси буйича 2022 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа газ ёкилгиси турлари буйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида курсатилган эhtiёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификациям биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги харажатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси 269397600 -сўми ташкил қилади. Шартноманинг суммаси Суюлтирилган газёкилгиси ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилаётган газ ёкилгисининг нархлари, суюлтирилган газ маҳсулотини ташиш билан боғлиқ транспорт йўл харажатлари Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан узгартирилганда ёки газ ёкилгиси таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга қўра узгарганда қайта куриб чиқилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Суюлтирилган газ ёкилгиси «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» таксимотида кура уз транспортда, марказлаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки Суюлтирилган газ ёкилгиси куйиш шаҳобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисини ости қизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Суюлтирилган газ ёкилгиларини -ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Маҳсулотни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» Суюлтирилган газ ёкилгисини уз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда Суюлтирилган газ ёкилгисини ташиб кетишга куйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига маҳсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарта талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларнинг бўш бориб келиши учун қилинган харажатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5. Суюлтирилган газ ёкилгиси маҳсулотлари куйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортда олиб кетиш ҳдплари бундан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг булимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Суюлтирилган газ ёкилгиси «Таъминотчи» транспорта билан ташилганда транспорт ҳужжатларида транспорт хисобининг хақи ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» маҳсулот йўқлиги сабабли маҳсулотни тула бермаган тақдирда, берилмай қолган маҳсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериши шарт. Агарда маҳсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчи»нинг зарар қўришига олиб келса, «Таъминотчи» суюлтирилган зарарни тўлайди.

3. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган Суюлтирилган газ маҳсулоти учун ҳар ой олдиндан тулов:
- газ (Пропан) учун 100 фоиш; миқдорида 2022 йил 31-декабрьгача амалга оширилади.


3.3. “Истеъмолчи” томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, харажатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4. «Таъминотчи» Суюлтирилган газ маҳсулотларини «Истеъмолчи»га маҳсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда соҳибдор, бунда корхона устама нархи ва транспорт йўл харажатлари ҳисобга олинади.

3.5. Суюлтирилган газ маҳсулотларини нархи, транспорт темир йўл харажатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

4. КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Суюлтирилган газмаҳсулотларини миқдори ва сифати буйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника ва қалқ



истеъмоли молларини микдор (П-6) ва сифат (П-7) жихатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида йуриқнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.*

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган махсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиш ҳамда бу махсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» Суюлтирилган газёкилғисини етказиб бериш муддатларини кечиктирилганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий микдори етказиб берилмаган Суюлтирилган газёкилғиси қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни Суюлтирилган газёкилғисини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалдаги қонунчилик ва ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар. Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган Суюлтирилган газёкилғисини етказиб берилганда «Истеъмолчи» Суюлтирилган газёкилғисини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган Суюлтирилган газёкилғиси қийматининг 0.20 фоизи микдорида жарима ундириши, агар махсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган Суюлтирилган газёкилғисини етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи» дан ақцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва Суюлтирилган газёкилғисини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи» нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган махсулотнинг умумий қийматини 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Суюлтирилган газёкилғисини тўлик олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, махсулот олинмаганлиги натижасида қўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга ҳақли. бунда у мазкур махсулотнинг борлигига қафолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган Суюлтирилган газёкилғиси тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлик учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «04» январь: дан 2022 йил «31» декабрь гача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ ҚУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Давлат бюджет кодексининг 122 ва 123-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан шартнома тегишли тартибда Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сунг қонуний қучга қиради ва Давлат бюджет маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олинishi шартлиги ва қақат у амалга оширилгандан кейин қучга қириши назарда тутилган

9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий оқатлар сабабли бажармаса ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайди.

10. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекс ива Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.



11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ

11.1.Тарафлар уртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик судлар томонидан ҳал қилинади.

11.2.Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай узгаришлар ва қушимчалар езма равишда булиб, ҳар икки томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

11.3.Тарафлар уртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб китоб тулик тугаллаган тақдирда тухтатилади.

Автомашина маркаси, тури ва микдори	Суткалик юрган масофаси(км)	1 куб.м учун сарф меъери	Уртача кунлик газ сарфи м³/р.	Бир ойда куб.м м³р.	Бир кварталда куб.м м³р	Бир йилда куб.м м³р.
Газ Вазирлиги	300 км	100 м³/17,6	158,4	4435	13305	53222,4
Нефтегаз	250 км	100 м³/13,6	42	1176	3528	14112
					2 км³	67334,6

12.Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари.

ТАЪМИНЛОВЧИ:

«БУХОРОСАНТЕХСЕРВИС»

р/с_20208000100578850001

МФО: __00087_ Кишлоқурилишбанк. ш. Каган

ИНН: 200877493

ТЕЛ: 652287451

Директор

(подпись)



ХАРИДОР:

